

ИНТЕРНЕТ ЖАҲОН АХБОРОТ ТАРМОҒИДА ТАРҚАТИЛАЁТГАН ВА НАМОЙИШ ЭТИЛАЁТГАН ЭКСТРЕМИСТИК МАТЕРИАЛЛАР ТУШУНЧАСИ ВА ЎЗИГА ХОС-ХУСУСИЯТЛАРИ

Ибрагимов Аброр Алимович

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Тезкор-қидирув
фаолияти кафедраси катта ўқитувчиси*

Аннотация: ушбу мақолада интернет жаҳон ахборот тармоғида тарқатилаётган ва намоёиш этилаётган экстремистик материаллар тушунчаси ва ўзига хос-хусусиятлари, жавобгарлик масаласи, уюшган шахслар гуруҳи, сиёсий партиялар, жамоат, диний ёхуд бошқа ташкилотларни, шунингдек, материалларни тақиқлаш тизими таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: ахборот, материал, интернет, веб-сайт, экстремизм.

Ҳозирги куннинг энг асосий муаммоларидан бири бу – интернет тармоғида террористик ва экстремистик ғояларнинг тез тарқалишидир. Ҳар йили жаҳон интернет майдони жуда тезкорлик билан ривожланиб бормоқда. Интернет билан биргаликда унинг таркибида олиб борилаётган ноқонуний фаолиятлар, шу жумладан, экстремистик тарғиботлар ҳам ўсиб бормоқда. Экстремизмнинг қурбони бўлиб қолаётганларни эса аксарият ҳолларда ёшлар ташкил этади. Хўш, нега айнан ёшлар? Биринчидан, ушбу контент мустаҳкамланмаган психикага эга бўлади ва бу ўз ўрнида уларни “масофадан” туриб манипуляция қилиш имконини беради, иккинчидан эса, бугунги кунда бутунжаҳон интернет фойдаланувчиларнинг аксарият қисмини 14 ёшдан 25 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади.

“Ахборотлаштириш тўғрисида”ги қонунининг 11-моддасига кўра “Ахборот ресурслари улардан эркин фойдаланиш тоифалари бўйича ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот ресурсларига ва эркин фойдаланилиши чеклаб қўйилган ахборот ресурсларига бўлинади...” – деб белгилаб қўйилган. Бундан ташқари шу қонуннинг 12¹-моддасига мувофиқ, веб-сайт ёки веб-сайт саҳифасининг эгаси, шу жумладан блогер ўз веб-ресурсларидан жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган ҳаракатларни содир этиш мақсадида фойдаланилишига йўл қўймаслиги, уруш, зўравонлик ва терроризмни, шунингдек диний экстремизм, сепаратизм ва фундаментализм ғояларини тарғиб қилиш; миллий, ирқий, этник ёки диний адоват кўзгатувчи, шунингдек фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматига ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи, уларнинг шахсий ҳаётига аралашишга йўл қўювчи ахборотни тарқатиш; порнографияни, зўравонликни ва шафқатсизликни тарғиб қилиш,

шунингдек ўз жонига қасд қилишга даъват этиш; қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган ўзга ҳаракатларни содир этиш мақсадларида фойдаланилишига йўл қўймаслиги шарт эканлиги, шундай ҳолатларни содир этган тақдирда қонунга зид ахборотларни дарҳол ўчириб ташлаши лозимлиги, акс ҳолда унинг ҳаракатлари жиноий ёхуд маъмурий жавобгарликка сабаб бўлиши, мазкур веб-сайтдан ва (ёки) веб-сайт саҳифасидан ёхуд бошқа ахборот ресурсидан фойдаланиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаган тартибда махсус ваколатли орган томонидан чекланиши мумкинлиги белгилаб берилган¹.

Ҳозирги мавзуга қайтадиган бўлсак, биз айнан шу каби махсус ваколатли органлар томонидан таъқиқланган, терроризм ёки экстремизмни тарғиб қилувчи ахборотларга лайк, репост ёхуд шарҳ қолдириш туфайли уларнинг янада кўпроқ фойдаланувчилар оммасига тарғиб қилинишига сабаб бўлиш ҳақида фикр юритмоқдамиз. Ваҳоланки, айнан мана шу ҳаракат Ўзбекистон Республикаси жиноий ҳамда маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларнинг бир қатор моддаларига кўра жавобгарлик келтириб чиқариши белгилаб берилган. Хусусан, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 184²-моддасига кўра диний мазмундаги материалларни тарқатиш мақсадида қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ёки тарқатиш - материалларни ва уларни тайёрлаш ҳамда тарқатиш учун тегишли воситаларни мусодара қилиб, фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 бараваридан 100 бараваригача, мансабдор шахсларга эса – 50 бараваридан 150 бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши келтириб ўтилган бўлса, жиноий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 244¹-моддасининг 2-қисмига кўра “Диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган, қирғин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга даъват этадиган ёхуд аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган маълумотлар ва материалларни ҳар қандай шаклда тарқатиш – базавий ҳисоблаш миқдорининг 300 бараваридан 400 бараваригача миқдорда жарима ёки 3 йилдан 5 йилгача озодликни чеклаш ёхуд 3 йилдан 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши, 244³-моддага кўра эса диний мазмундаги материалларни тарқатиш мақсадида қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ёки тарқатиш, шундай қилмишлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса – базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 бараваридан 200 бараваригача миқдорда жарима ёки 3 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланиши белгилаб берилган.

Шу ўринда, масалани бугунги кунда жуда тезлик билан ривожланиб

¹ Ўзбекистон Республикаси “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги қонуни. Тошкент ш. <https://lex.uz/acts/83472>

бораётган энг оммабоб ижтимоий тармоқлардан бири ҳисобланмиш “Инстаграм” тармоғи мисолида кўриб ўтсак. Ҳозирги пайтга келиб бу ижтимоий тармоқнинг фойдаланувчилари сони 800 миллиондан ошиб кетди, ҳар куни 500 миллиондан ортиқ инсон бу ижтимоий тармоқда “online” режимда қатнашади, бу эса барча фойдаланувчиларнинг 60%дан ортиғини ташкил этади. Мутахасислар томонидан олиб борилган сўровномалар давомида шу маълум бўлдики, ушбу тармоқнинг ўз абонентлар сонини кўпайтириш ҳамда мақсадли аудиторияни яратиш истагида бўлган фойдаланувчилари томонидан бугунги кунда энг кўп қўлланилаётган усуллар сирасига 1) махсус хизматлар ва дастурлар ёрдамида абонентларни ва кўрсаткичларни алдаш, 2) турли қизиқтириш хусусиятига эга бўлган рекламалар қилиш ҳамда 3) “Фоллов” ва “Лике” қилиш кабилар кириши маълум бўлди. Ушбу тармоқда ҳар секундда расм ва роликларга 8500 “Like” қўйилади, ҳар секундда тахминан 1000 та коментария ёзилади. Инстаграм тармоғида сиз томонингиздан “Like” белгиси қўйилган ҳар бир видео ёки сурат эса сиз томонингиздан “дўстларингиз”га тавсия қилинади ва аксарият ҳолларда уларнинг 56% томонидан кўрилади². Бу эса ўз-ўзидан шу ахборотни тарқатишга ҳамда ушбу akkaунтни юқорига силжитиш яъни ривожлантиришга хизмат қилади. Ҳулоса қилиб айтганда, бизнинг фикримизга кўра ушбу ҳаракат учун жавобгарликнинг белгиланиши табиий ҳол албатта.

Бугунги кунда интернет оламида экстремизмга қарши курашиш борасидаги чора-тадбирлар тизимининг самарадорлиги ушбу жинойий фаолиятнинг ҳолислиги, олиб бориладиган таҳлилнинг чуқурлиги ҳамда унинг келиб чиқиш сабабларини ўрганишга боғлиқдир.

Умумий қоидаларга кўра экстремизмга оид материалларни тарқатиш асосан жамоат жойларида содир бўлади ва бунинг асосий сабаби имкон қадар кўпроқ одамлар ва жамоатчиликни жалб қилиш билан изоҳланади. Бироқ, Интернет оламининг ривожланиши билан бу жинойятлар содир этилувчи майдон ҳақиқий ҳаётдан кўра анчайин кўпроқ тингловчилар синфига эга бўлган ижтимоий тармоқлар оламига кўчиб ўтди³.

Экстремизм борасидаги энг аниқ тушунчалардан бири “Терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши кураш бўйича Шанхай Конвентцияси”да берилган бўлиб, унга кўра “ҳокимиятни зўравонлик билан эгаллаб олишга ёхуд уни сақлаб қолишга, шунингдек давлатнинг конституциявий тузумини зўравонлик билан ўзгартиришга, жамоат хавфсизлиги, шу жумладан тегишли ташкилотларга зўравонлик билан тажовуз қилишга қаратилган ҳар қандай ҳаракат, ноқонуний гуруҳларнинг мақсадлари ёки уларда иштирок этиш

² Х.Қодиров “Инстаграм ҳақида сиз билган ва билмаган фактлар” . <https://www.terabayt.uz/post/instagram-haqida-siz-bilgan-va-bilmagan-25-fakt>. 2019 й.

³ Шериббаевич, УХ, и Шермат о'гли, ҚМ (2023). КИБЕРДЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШИНING АХАМИЯТИ. *Лучшие интеллектуальные исследования* , 11 (5), 151-161.

экстремизм деб баҳоланади”⁴.

Демак, жисмоний ва юридик шахслар томонидан содир этилган ижтимоий хавфли қилмишлар, сиёсий, мафкуравий, ирқий, миллий, диний адоват ёки миллатлараро низолар ҳамда динлараро зиддиятларнинг пайдо бўлишига ёхуд кескинлашувига олиб келадиган объектив ҳаракатлар экстремизмни ташкил этади.

Экстремизмнинг асосий белгилари:

- Қўйилган мақсадларга эришиш мақсадида ноқонуний зўравонликдан фойдаланиш (ёхуд фойдаланиш таҳдиди);
- Жамоатчилик онгини манипуляция қилиш, муҳокамага сабаб бўлувчи мураккаб ижтимоий муаммоларни ҳал қилишнинг соддалаштирилган вариантларини илгари суриш;
- Ўз мақсадига етишиш йўлида ижтимоий-сиёсий, миллий, ирқий, диний адоват ёки сепаратистик мафкурадан фойдаланиш.

Т.Аристархова замонавий экстремизмнинг асосий белгиларидан бири сифатида жиноий фаолиятда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда экстремистик мафкурани тарқатишни кўрсатади⁵.

Д.Глухарев ҳам ушбу фикрга қўшилади ва замонавий экстремистлар Интернет фойдаланувчиларига психологик таъсир қилиш мақсадида – гаровга олинганларни қатл этиш видеоларини яратиш ва тармоққа юклаш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакиллари ҳамда тинч аҳолига нисбатан уюштирилган қўпоровчилик ҳаракатлари ва хужумларнинг видео ва фотосуратларини тарқатиш, ўз жонига қасд қилиш каби мақсадларда қўллайдилар, ҳокимият яхлитлигини бузиш мақсадида ташкил этилувчи “рангли инқилоблар”да эса интернетдан асосий куч сифатида фойдаланадилар деб таъкидлайди⁶.

Бизнинг фикримизча эса интернет экстремистик фаолият учун жудаям қулай майдон ҳисобланади. Ундаги фойдаланишнинг қулайлиги, экстремистик руҳдаги маълумотларни оддий веб-саҳифалар орқали кенг фойдаланувчи қатламга жўнатиш имконияти, турли гуруҳлар, чатлар, блоглар ва форумлар орқали ҳоҳлаган турдаги ахборотлар алмашилиши имконияти интернет экстремизмининг вужудга келишида муҳим механизм вазифасини ўтайди.

Р.Упорниковниковнинг фикрларига кўра янги дунёга кириб келган ахборот

⁴ “Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Терроризмга қарши конвенцияси”. Екатеринбург. 16.06.2009 й. Ўзбекистон Республикаси томонидан 16.12.2011 й.да ратификация қилинган. ЎРҚ – 309-сон.

⁵ Т.А.Аристархова “Основные черты и особенности молодежного экстремизма”/ Известия Тульского государственного университета. 2014. № 1–2.

⁶ Д.С.Глухарев. Противодействие экстремизму в современном медиапространстве/ Уральского государственного университета. 2012.

экстремизми ноқонуний мақсадларга эришиш йўлида ижтимоий психологик ва билвосита жисмоний бузғунчи таъсир кўрсатиш хусусиятига эга бўлган, ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган фаолиятдир⁷.

Е.Старосветский эса ахборот жамиятида экстремистларнинг мақсадлари бирмунча ўзгаргалигини, яъни эндиликда бирон бир драматик натижага эришиш учун кимнидир ўлдиришнинг ҳожати йўқлигини, аксинча компьютер клавиатурасидаги бир нечта тугмани босишнинг ўзи кифоя эканлигини таъкидлайди⁸.

Юқоридаги фикрлардан кўришиб турибдики, интернет экстремизми ахборот экстремизмига қараганда торроқ тушунчадир ва эндиликда, экстремистик фаолиятлар экстремистлар учун қулай бўлган, уларнинг қарашларини тўла намоён эта оладиган интернет оламида амалга оширилади.

Шу ўринда, интернетда экстремизмнинг тарқалиши билан боғлиқ бир нечта сабаб ва муаммоларни санаб ўтсак:

биринчидан – бошқарув назоратининг етарли эмаслиги;

иккинчидан – интернетда экстремизмга қарши курашиш бўйича комплекс ёндашувнинг етарли эмаслиги, яъни потенциал куч шу жумладан, жамоат бирлашмаларидан фойдаланмаслик;

учинчидан – интернетда экстремистик маълумотлар тарқатилишининг олдини олиш борасидаги ишларнинг тезкорлик билан ташкил этилмаслиги, ҳусусан экстремизм белгиларини мавжудлигини тасдиқлаш мақсадида амалга оширилувчи экспертизанинг узоқ вақт талаб этиши;

тўртинчидан – интернет оламида экстремистик руҳдаги маълумотларни жойлаштирган инсонларнинг шахсини аниқлаш масаласининг қийинлиги. Фойдаланувчилар ва уларнинг ҳаракатлари тўғрисида маълумот олиш технологиялар воситасида мураккаблаштирилиши уларнинг аноним қолишини тامينлаши⁹.

Интернет оламида экстремистик руҳдаги материалларни аниқлашнинг мушкуллиги экстремизмга қарши кураш фаолиятининг асосий муаммоларидан бири саналади. Барчамизга маълумки, Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 30 июль куни қабул қилинган ЎРҚ-489-сонли “Экстремизмга қарши кураш тўғрисида”ги қонунининг “Асосий тушунчалар” деб номланган 3-моддасига кўра: экстремистик фаолиятни амалга оширишга ошкора даъват қиладиган ёхуд шундай фаолиятни амалга ошириш зарурлигини асослаб берадиган ёки ошкора

⁷ Р.В. Упорников Политико-правовые технологии противодействия информационному экстремизму в России. Ростов н/Д, 2007

⁸ Е.А. Старосветский Экстремизм в современном российском обществе / Научные ведомости Белгородского государственного университета. Белгород, 2008

⁹ Якубов, Х., & Рахмонжонов, Х. (2022). Diniy ekstremizm va terrorizm tahdidi. *Общество и инновации*, 3(2/S), 246-251.

оқлайдиган, тарқатиш учун мўлжалланган ҳужжат ёки ҳар қандай воситадаги бошқа ахборот – экстремистик материал деб аталади ҳамда ушбу қонунининг 11-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилаётган, тайёрланаётган, сақланаётган, тарқатилаётган ва намоёиш этилаётган, шунингдек оммавий ахборот воситаларида ёки телекоммуникация тармоқларида, шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғида тарқатилаётган ва намоёиш этилаётган материаллар қонунчиликда белгиланган тартибда экстремистик материаллар деб топилади.

Тожикистон Республикасининг 2020 йил 2 январда қабул қилинган “Экстремизмга қарши кураш тўғрисидаги” қонунини таҳлил қиладиган бўлсак, унга кўра, уюшган шахслар гуруҳи, сиёсий партиялар, жамоат, диний ёҳуд бошқа ташкилотларни экстремистик ташкилот деб топиш учун фақатгина, суднинг ушбу ташкилотларни экстремистик фаолиятга дахлдорлиги сабабли фаолиятини тугатиш ёки таъқиқлаш ҳусусида чиқарган қарори осос бўлиши белгилаб берилган.

Белорусия Республикасининг 2007 йил 4 январда қабул қилинган “Экстремизмга қарши кураш тўғрисида”ги қонунининг “Қонунида қўлланилган асосий атамалар ва уларнинг тарифлари деб номаланган” 1-моддасида “Экстремистик материаллар – оммавий намоёиш қилиш, фойдаланиш ва тарқатиш учун мўлжалланган ёки исталган шаклда тарқатиладиган, экстремистик фаолиятга жалб қилиш ва уни тарғиб қилиш мақсадида ишлаб чиқилган рамзлар, буюмлар, ахборот маҳсулотлари (босма, аудио, аудиовизуал ва бошқа ахборот хабарлари ёҳуд материаллар, плакат, портрет, баннер ва бошқа кўргазмали ташвиқот, реклама маҳсулотлари) ҳисобланиб, уларни суднинг қарори билангина экстремистик руҳдаги материал деб топиш мумкин” – дея кўрсатиб ўтилган.

Россия қонунчилигига назар соладиган бўлсак, Россия Адлия вазирлиги томонидан тузилган экстремистик материаллар рўйхати федерация мутахасислари томонидан кўшимча тадқиқотлар ўтказилгандан сўнг, қабул қилинувчи якуний суд қарорига асосланиши белгилаб берилган.

Ҳулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, замонавий экстремистлар томонидан қурол-яроғ, портловчи моддалар орқали амалга ошириладиган террорчилик актларининг, анчайин арзонга тушувчи интернет ва ижтимоий тармоқлардан фойдаланган ҳолда амалга оширилувчи мафкуравий хуружлар алмаштирилаётган бир даврда яшаётган эканмиз биз ҳам ўз ўрнида бу хуружларга қарши тураоладиган кучли билим ва салоҳиятга эга бўлган малакали кадрларни тарбиялай олишимиз, келажагимиз таянчи ҳисобланган ёш авлодда маънавий таҳдидга нисбатан интернет маданиятини шакллантиришни ўз устувор вазифамиз деб билмоғимиз даркор.